

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ – ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН ВА УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН СИЁСАТИ НАТИЖАСИДИР

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён этилган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистон иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, халқаро майдонда унинг салоҳияти ва обрў-этиборини оширишда муҳим аҳамият касб этади. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров давлатимиз раҳбарининг ушбу асарига хос тарихий аҳамиятга эга эканини яна бир қарра исботлади.

Сўровни ўтказишдан мақсад – мамлакатимиз ва хорижий экспертларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишда ушбу фундаментал асарнинг роли ҳақидаги фикрларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат эди. Унда ишбилармон доиралар вакиллари, мутахассислар, олимлар, сиёсат ва жамоат арбоблари, олий ўқув юрталари, коллежлар ўқитувчилари, фермерлар, бошқарув тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Ижтимоий тадқиқот Президент Ислоҳ Каримовнинг ушбу китобига талаб ғоят катталигини кўрсатди. Китоб яқинда чоп этилганига қарамай, сўралганларнинг деярли ҳаммаси (94,4 фоизи) уни батафсил ва чуқур ўрганиш чиққан. Мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳар куни чоп этилаётган материаллар, дунёнинг кўплаб давлатлари экспертлари, сиёсат ва жамоат арбобларининг бу ҳақдаги таҳлилий мақола ва фикрлари ҳам шундан далолат беради. Уларда давлатимиз раҳбарининг ушбу китобига юқори баҳо берилган.

Сўровда иштирок этган экспертлар ислохотларни тадрижий равишда амалга ошириш сиёсати ва ижтимоий йўналтирилган туб ўзгаришлар туфайли Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини юмшатиш, ижтимоий барқарорликни, фуқароларимизнинг кўтаринки кайфияти ва ислохотларга бўлган ишончини сақлашга эришилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ақсарият сўров иштирокчиларининг фикрича, дунё мамлакатлари инқироздан бир пайтда эмас, балки уларнинг ҳар бири ўз миллий иқтисодиётининг аҳолига қараб, турли муддатларда чиқади. Экспертларнинг 96,4 фоизи Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини биринчилар қаторида бартараф этишга ишонч ҳосил қилиш учун барча асослар бор, деб ҳисоблайди.

Сўров натижаларига кўра, Ўзбекистон Президентининг стратегик аҳамиятга молик бўлган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз ва хорижлик етакчи экспертлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Сўров қатнашчиларининг кўпчилиги Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг 2009-2012 йиллар учун танланган асосий устувор йўналишларини маъқуллайди. Улар Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нафақат инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш ва қисқа вақт ичида унинг оқибатларини бартараф этиш, балки мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, жаҳон бозорларида унинг рақобатбардошлигини ошириш борасида самара беришига қатъий ишонади.

Экспертларнинг 92,8 фоизи мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2009 йилги стратегияга мувофиқ, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификациялаш ишларини давом эттириш зарур, деб ҳисоб-

лайди. Бундан ташқари, уларнинг фикрига кўра, Ўзбекистоннинг кредит-молия тизими жаҳон инқирозини дунёнинг бошқа давлатларига қараганда бирмунча тайёргарликка эга ҳолда қарши олди. Экспертлар Юртбошимизнинг, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги, саноат, нефть-газ, кичик ва ўрта бизнес, таълим каби асосий соҳа ва тармоқларни сармоявий ривожлантиришга қаратилган инвестиция сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Экспертларнинг мамлакатимиз раҳбари томонидан қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, уларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес соҳасини кенгайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш, кичик корхоналар, микрофирмалар, яқка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг тўғрилигига ишончи қомил. Сўровда қатнашганларнинг 93,6 фоизи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолининг бандлик даражасини оширишда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган банк-молия тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юртувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган инқирозга қарши чораларни маъқуллайди.

Экспертларнинг 96,4 фоизининг таъкидлашича, Президент Ислоҳ Каримовнинг китоби уларнинг фаолиятига катта ижобий таъсир кўрсатган ва мазкур асар иқтисодиёт, давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб борилаётган илмий ҳамда амалий ишларга кўшилган муҳим услубий ҳисса ҳисобланади.

Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг миллий модели жаҳон инқирози шароитида ўзининг афзаллигини тўлиқ исботлаганидан далолат беради.

Мухтасар айтганда, сўров Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён этилган стратегик дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши нафақат глобал инқирозга муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш, балки ундан кучли, барқарор ва мувозанатлашган иқтисодиётга эга бўлган ҳолда чиқиш, жаҳон бозорларида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш, шу асосда жадал иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш вазибаларини изчиллик билан ҳал этиш имконини беришини кўрсатди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ўЗА муҳбири А.ИВАНОВА тайёрлади.

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида 11 май куни пойтахтимизда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, банк-молия, нефть-газ, авиасозлик, қурилиш, машинасозлик, авиаташув, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар, озик-овқат, кимё, энгил саноат, тўқимачилик, мебеласозлик, соғлиқни сақлаш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, суғурта, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, сайёҳлик ҳамда фан-таълим соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Сон Кёнг Шик мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори иқтисодий соҳада ҳам изчил тараққий этаётганини, мазкур форум ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга хизмат қилишини таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири. Мазкур мамлакатнинг Ўзбекистонга шу вақтгача киритган жами сармояси икки миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодий соҳада улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Хусусан, Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, жўғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, юксак интеллектуал салоҳияти, қулай сармоявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани ҳамда юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик кўплаб давлатларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тора оширмоқда.

Ўзбекистон ва Кореянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йили бир миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу эса Ўзбекистон-Корея иқтисодий ҳамкорлиги жадал ривожланаётганининг ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистонда корейлик ҳамкорлар билан ташкил этилган 351 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг

91 та компанияси ўз ваколатхонасини очган. Юртимизга Жанубий Кореянинг кўплаб йирик фирма ва компанияларидан юздан зиёд вакил келгани Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит уларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга эътиборини кучайтираётганидан далолатдир.

Форумда корейлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, банк-молия, сайёҳлик, автомобилсозлик, авиасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ва сув хўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

– Ўзбекистон – иқтисодиёти изчил ривожланаётган мамлакат. Биз юртингиз ишбилармонлари билан ҳамкорликни юксак қадрлаймиз, – деди Сон Кёнг Шик. – Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Дунёда иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тора ошиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун барча шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бизнес-форумда Жанубий Корея фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Корея ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Хусусан, «Кейби», «Сеун Сталь», «Хюндай Мотор», «Кореан Эйр», «Хаинтекс», «Роуд Интернэйшнл», «Дэу Интернэйшнл», «Донгиль Констракшн» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканлигини қайд этди.

Бизнес-форум якунида нефть-газ, мебеласозлик, электрон маҳсулотлар, қурилиш, тўқимачилик, минерал ресурслар, фан-таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари каби соҳаларда ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

ЎЗА.

	1-бет	2-4-бетлар	5-12-бетлар	13-16-бетлар
	Жаҳон иқтисодий инқирозига назар	Ҳисобот шакллари ўрганамиз	Янги қонун ҳужжатлари	Реклама
	\$1 = 1458,13 сўм	€1 = 1991,08	£1 = 2218,54 сўм	¥10 = 148,46 сўм

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2009
 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОВЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 днел • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
 Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Зоренье • Итоги
 • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

тел./факс: (99897) **119-0000**
155-0955
 Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ҲАҚИДА

– деб савол беришади. Жавоб битта: «Ўзгартишлар кирита олмайдилар, чунки туман солиқ инспекцияларига ахборот кўриш режимида келади, яъни уни очиш ва тузатишлар киритишнинг имкони йўқ, ДСИ ходимлари тизимга кира олмайдилар».


Бухгалтерия ва солиқ ҳисоботини электрон кўринишда тақдим этиш ахборот алмашиш ва техник базани ривожлантиришнинг ҳозирги даражасига мувофиқ келибгина қолмай, балки ҳисобот тақдим этишда вақтни тежаш, маълумотлар қўлда киритилгандаги эҳтимолий хатоларни камайтириш, ахборотга ишлов бериш тезкорлигини ошириш сингари яққол афзалликларни ҳам беради.

«Давлат солиқ хизмати органларида статистик ҳисоботларни шакллантирган ҳолда солиқ тўловчиларнинг солиққа оид ҳисоб-

китоблари ва молиявий ҳисоботларини қабул қилиш ҳамда уларга ишлов бериш» дастурий мажмуаси (ДМ) уч даражали модель: мижоз-сервер-иловалар асосида амалга оширилган. У икки қисмга ажратилган: солиқ тўловчи фойдаланадиган ва солиқ органлари фойдаланадиган қисмлар. ДМни солиқ органларининг мавжуд маълумотлар базалари билан ахборотни солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағига ўтказиш қисмида туташтириш учун ушбу функцияларни бажарадиган модуль ишлаб чиқилган.

Агар бирор-бир сабабларга кўра солиқ тўловчи унинг учун мўлжалланган ДМ қисмидан фойдалана олмаса, дастурий мажмуа уни оператор томонидан қозғоғдаги ифодаловчидан қўлда киритиш ёки дискетадан, ахборотнинг исталган бошқа олинмадан электрон ифодаловчисидан киритиш имкониятини беради.

Тизимнинг ишлаш чизмаси



Солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини телекоммуникацион алоқа каналлари орқали топшириш тўғрисида батафсил ахборотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz ва www.hisobot.uz

ТИЗИМНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ

Солиқ органлари ҳисоб-китоблар-

ни электрон кўринишда топширадиган корхоналар билан ишлаш учун ходимларни ажратади. Махсус дастурий модуль ДСининг муайян ходимларига шахсий калитлар беради ва уларни рўйхатдан ўтказиши.

Ҳисоботни электрон шаклда топширишга ўтиш учун солиқ тўловчи минтақавий солиқ органига ҳисоб-китобларни электрон кўринишда топширувчи корхона сифатида рўйхатдан ўтказиш ва электрон рақамли имзо (ЭРИ) берилиши тўғрисида ариза тақдим этади. Солиқ тўловчининг ваколатли вакили ЭРИни шакллантириш ва олиш чоғида шахсан ҳозир бўлиши керак. Рўйхатдан ўтказилаётганда унга электрон ифодаловчида электрон рақамли имзонинг очиқ ва ёпиқ калити файллари, солиқ тўловчи шахсий калитининг сертификати ва ДСҚ серверининг очиқ калити берилади.

Шундан сўнг у Интернет орқали ўзининг ёпиқ калити ёрдамида ДСҚ сайтида жойлашган шахсий кабинетига кириб, ундан электрон кўринишда ҳисоб-китобларни жўната олади.

фаолият турларидан ўтказиладиган ягона солиқ тўлови суммаси» сатри номини кўйидаги формула бўйича аниқлаштириш лозим: (120-сатр – «Савдо фаолияти» устуни 090-сатри) × 5%,

б) 130-сатрдаги формулани ўзгартириш керак: (120-сатр – 160-сатр).

Агар шаклларни ишлаб чиқувчилар ЯСТ бўйича ҳисоб-китоб 04-варағининг 3-изоҳи савдо асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган корхоналарга тааллуқли эмас деб ҳисобласалар, уни кўйидагича аниқ-равшан таърифлаш лозим: «Бир неча фаолият турини, шу жумладан савдо бўйича ҳам, амалга оширадиган корхоналар «Камолот» жамғармасига ажратмаларни 120-сатрда кўрсатилган ЯСТ бутун суммасидан амалга оширадилар».

Яна бир тақлиф. Тўланган даромадлар ва бюджетга ўтказилган жисмоний шахслардан олинмадан даромад солиғи ҳамда ШЖБПҲга бадаллар суммасининг расшифровкасида (ҳисоблаб ёзилган ва ҳақиқатда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинмадан даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотларга илова) 5-устун номини кўйидагича ўзгартиришни зарур деб ҳисоблайман: «Банкдан олинган, шахсий ҳисобварақларга, ходимларнинг пластик карточкаларига, меҳнатга ҳақ тўлашга ўтказилган маблағлар».

РЕЗИДА БАЗЛОВА, «ЕРОСТИГАЗ» ОАЖ БОШ БУХГАЛТЕРИ:

– «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2-сон шаклдаги бюджетга тўловлар ҳақида маълумотноманинг «Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тегишли маблағлардан ҳақиқатда киритилгани» устунида биз ҳисобот даври учун солиқлар бўйича тўлов суммасини қайд этамиз, ҳолбуки корхона бўйича ўтган йиллар учун ҳам тўлов амалга оширилади (бизнинг ҳолатимизда илгари 5 йилга ва 3 ойга (25 декабрдан кейинги йилнинг 25 мартигача) муддати кечиктирилган солиқлар тўланади). 2007 йил июлигача 2-сон шаклда биз бюджетга ҳақиқатда киритилган барча тўловларни қайд этардик. Ҳозир эса тўланган солиқларнинг бир қисми ҳисоботда қайд этилмапти. Солиқларга катта миқдорда пул ўтказамиз, бюджетга тўловлар бўйича маълумотномада эса фақат ҳисобот даврида тўланган солиқларни кўрсатамиз.

ЖОЙЛАРДА УЗБИЛАРМОНЛИКНИ ЧЕКЛАШ КЕРАК

Раҳим УСМОНОВ, хусусий корхона директори:

– Ўтган йиллар солиқ ҳисоботини ҳозирги вақтда тақдим этилаётгани билан қиёсаласак, очиқдан-очиқ ўсиш мавжудлиги кўрилади. Буни хусусий бизнес соҳибси сифатида ҳам, солиқ хизматининг собиқ масъул ходими сифатида ҳам айтиш мумкин. 85 саҳифада комплекс ҳисоботларнинг ишлаб чиқилгани катта ютуқ бўлди, улар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет ва махсус жамғармалар билан муносабатлари деярли бутун доирасини қамраган. Электрон шаклларга ўтиш билан ҳисоботда кўрсаткичлар сони кўпайиши керак, бу солиқ тўловчининг фаолиятини камерал текширувлар йўли билан

янада сифатли ва тўлиқ назорат қилиш имконини беради. Бунинг оқибатида солиқ тўловчининг ҳам, солиқ органлари ходимларининг ҳам кўп вақтини оладиган ҳужжатли текширишлар – тафтишлар сони қисқаради. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш масаласи ҳам тўғри ҳал қилинган. СК 45-моддасининг олтинчи қисмида шундай кўрсатилган: «Давлат солиқ хизмати органи шахсан олиб бориб бериш тартибиде тақдим этиладиган солиқ ҳисоботини қабул қилиб олишни рад этишга ҳақли эмас ҳамда солиқ тўловчининг талабига биноан солиқ ҳисоботининг нусхасига ҳисобот қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйиши шарт», ана шу модданинг саккизинчи қисмида эса давом эттирилган: «солиқ ҳисоботи дастлабки тарзда камерал назорат қилинмасдан ва унинг мазмуни муҳокама этилмасдан қабул қилинади».

Бироқ амалиётда ҳаммаси унчалик силлиқ кечмайди. Менинг кўп ҳамкасбларим бир қатор инспекцияларда ушбу талабларга риоя қилинмаслигини айтишлари мумкин. Чунки, 2008 йил учун йиллик ҳисоботларни қабул қилишда баъзан уларга жисмоний шахсларнинг даромадларини назорат қилиш бўлими ходимларидан виза олиш хусусида оғзаки талаб қўйилди. Бўлимда эса корхонада ўриндошлар йўқлиги ва меҳнат шартномалари бўйича тўловлар амалга оширилмаганлиги тўғрисида маълумотнома-тилат талаб қилишди. Ҳолбуки ҳисоботнинг 44-«Ҳисоблаб ёзилган ва ҳақиқатда тўланган даромадлар ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадидан ушланган солиқ суммалари тўғрисида маълумотлар» сатрида 002-«Шу жумладан ўриндошлик бўйича» сатри мавжудки, унда солиқ тўловчи ўриндошларни, агар унда улар ишлаган бўлса, кўрсатиши шарт.

Бундан ташқари, ҳисоботда боқимондаларни назорат қилиш бўлими ходимларининг ҳам имзоси қўйилиши керак эди. Менда, мисол учун, боқимонда йўқ. Муаммони бошқалар қандай ҳал қилганлигидан беҳабарман. Гарчи ушбу талаблар ёзма кўрсатма билан мустаҳкамланмаган ва СКнинг юқорида кўрсатилган моддасига зид бўлса-да, бухгалтерлар муносабатларни мураккаблаштирмаслик учун бўлимларга кириб чиқишга мажбур бўладилар. Бундай ҳолатлар солиқ органларининг обрўсини туширади деб ҳисоблайман, чунки қонун билан белгиланмаган ҳар қандай талаб корхоналар бухгалтерлари ва раҳбарларининг норозилигига сабаб бўлади.

Шу муносабат билан СК 45-моддасининг олтинчи қисмига ўзгартиш киритишни тақлиф қиламан. Бунда «солиқ тўловчининг талабига биноан» сўзлари ортқича. Уларни чиқариб ташлаш керак, чунки улар, агар солиқ тўловчи талаб қилмаса, ҳисобот нусхасига белги қўймаслик мумкинлигини назарда тутати. Ҳисобот қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйиш мажбурий бўлиши керак.

Юқорида кўрсатилган камчиликларга қарамай, солиқ органлари томонидан ҳисоботлар қабул қилинишининг ташкил этилиши давлат статистика органларидагидан анча яхшироқ, у ерда ҳисоботлар қандай қоидalar бўйича тўлдирилиши ва уларни статистика органлари ходимлари қандай қабул қилишлари кераклиги умуман номатълум. Клубнинг кейинги мажлисини ушбу мавзу-

га бағишлашни тақлиф қиламан.

ШИРКАТ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Нина ТЮГАЙ, «Faizlik» ХУМШ:

– Бир уйдан иборат ширкатлар учун бухгалтерия балансини имкони борича содда-лаштиришни тақлиф қиламан. Манбаларни ошқор қилиб киримни ва тўлиқ расшифровка қилган ҳолда чиқимни, кейинги йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқни кўрсатиш етарли бўлади! Ана ўшанда ширкат раҳбари ҳисобни ўзи юрита олади, бухгалтер хизмати керак бўлмайди, бу эса ширкат маблағларини тежаш имконини беради. Шунингдек нотижорат ташкилотлари бўлган бир уйлик ширкатлар учун «фойда» тушунчасини ишлатиш тўғри эмас деб ҳисоблайман. «Ҳисобот даври охирида фойдаланилмаган пул маблағлари қолдиғи» деса аниқроқ бўлади. Зеро бир уйлик ХУМШ асосан аҳолининг бадаллари ҳисобига фаолият юритади ва фойда келтирувчи ҳеч қандай ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди.

Туман ижтимоий таъминот бўлимига бю-
юртманомга биз кўп кераксиз хатларни илова қиламиз. Бунда ҳам тартиб ўрнатилса ёмон бўлмасди. Марказий банк вакили билан ҳам учрашасак яхши бўларди. Бундан манфаатдорлигимиз аниқ-равшан: «Ипотекабанк» ўз қандай депозит ҳисобрақамлари очиб, ХУМШнинг руҳсатисиз келиб тушган пул маблағларининг 30%ини уларга ўтказяпти, бу билан эса амалдаги қонунчиликни бузаяпти.

ННТга АЛОҲИДА НИЗОМЛАР КЕРАК

Ботир МАНСУРОВ, «RUBO KONSALT» МЧЖ директори:

– 2008 йилдан буён амал қиладиган ҳисоботлар шакллари солиқ солинадиган база, имтиёзлар тўғрисида энг кўп (имкони борича) ахборот беради. Сайёр текширувлар қисқарган ҳолатда солиқ органлари айна солиқ ва молия ҳисоботларидан энг кўп ахборот олишга ҳақлилар. Уларнинг шакллари асосий ҳисоб-китоб ва иловалар, унга доир расшифровкалар кўринишида ишлаб чиқилган. Фикримча, уларни ўз кучида қолдириш, бироқ шаклларнинг ўзидаги баъзи бир хатоларни тузатиш лозим. Мақбуллаштириш мақсадида корхоналарнинг айрим тоифалари ҳар ойда (ҳар чоракда) топшириши учун асосий ҳисоб-китобни қолдиришни, йил якунлари бўйича эса ҳисоботларнинг тўлиқ комплектини (асосий ҳисоб-китоб ва иловалар, расшифровкаларни) топширишни тақлиф қиламан. Юридик шахслардан ҳисоботлар қабул қилиш шўбалари ишга жуда кўмилиб кетган. Улардан сўраб кўрингчи, қабул қилинган ҳисоботларга биноан бир чорак мобайнида улар қанча камерал текширувлар ўтказадилар? Улар шунча ҳисоботларга ишлов беришга жисмонан улгурмайдилар. Бу ҳолда хатар гуруҳидаги корхоналарга (йирик оборотли корхоналар, улгуржи фирмалар ва ҳоказо) асосий эътибор берилади. Қолганларига вақт ҳам етмайди. Бунча кўп ортқича қозғоғ кимга керак деган савол туғилади.

Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (миллий стандартлар, бошқа ҳужжатлар) асосан тижорат ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солади. ННТ учун нодавлат нотижорат ташкилотла-

рида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишни тартибга солидиган алоҳида низомлари ишлаб чиқиш зарур. Ҳозирги вақтда ушбу масала жуда долзарб, у фақат ХУМШ учунгина керак эмас.

Солиқ-молия тизимининг муваффақиятли фаолият юритиши асосида солиқ маъмуриятчилигининг давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларда очиқ-ошкорлик ва адолатни таъминлайдиган самарали таомиллар ётади. Бунда бюджет ва солиқ тўловчиларнинг ўзлари учун энг кам чиқимлар билан солиқ назоратини ташкил қилиш ва ўтказиш энг муҳим масалалар ҳисобланади. Шу сабабли молия ва солиқ ҳисоботлари солиқ тўловчи ишининг ҳолатини таҳлил қилиш учун энг кўп ва ишончли ахборот бериши, унинг шакллари эса солиқ тўловчиларга тушунарли ва осон тўлдириладиган бўлиши керак.

ON-LINE ҲИСОБОТИ – ЭНГ ЯХШИ ҲИСОБОТ

Ольга ГЕЛОВАНИ, «Bakrollik-Universal» МЧЖ бош бухгалтери:

– Мен меъёрий ҳужжатларда солиқ ҳисоботини электрон шаклда топшириш мумкинлиги тўғрисида ўқиган эдим. Бироқ бу тизим ишлаб чиқилганлиги ва амал қиладиганлигини фақат Клуб мажлисида билдим. Ҳисоботларни Интернет орқали топшириш учун солиқ инспекциясида барча зарур ҳужжатларни албатта расмийлаштираман. Бу солиқ тўловчилар учун ҳам, ҳисобот кунларида ишга кўмилиб кетадиган ДСИ инспекторлари учун ҳам жуда қулайдир. Статистика ҳисоботи ҳам Интернет орқали топширилса жуда ажойиб иш бўларди – бу муаммолар ва хатолар сонини камайтиради эди.

Хусниддин ҲОШИМОВ, «Солиқ маслаҳатчилари палатаси» ЖТ бошқаруви раиси:

– «СБХ» газетаси саҳифаларида ДСИ билан интерактив алоқани жорий этиш тўғрисидаги эълонлар мунтазам чоп этилмоқда, бу электрон рақамли имзога эга бўлган юридик шахсларга офисдан чиқмасдан Интернет орқали ДСИга молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини жўнатиш, ўз шахсий ҳисобварағини кўздан кечириш, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиштирма даволатнома тузиш, шунингдек текширувлар режасидан фойдалана олиш имконини беради. Ушбу хизматлар солиқ тўловчиларга ўз мажбуриятларини тезкор бажариш, солиқ органларига эса солиқ маъмуриятчилиги даражасини яхшилашга замин яратди.

Мисол учун, электрон ҳисобот автоматлаштирилган камерал назорат ўтказиш имконини беради, давлат органлари ходимларининг ишини мақбуллаштирилади. Камерал назоратнинг афзаллиги шундан иборатки, биринчидан, у масофадан туриб – солиқ тўловчилар олдида келмасдан амалга оширилади. Иккинчидан, автоматлаштирилганда у билан қисқа вақт ичида кўпчилик солиқ тўловчиларни қамраб олиш мумкин. Учинчидан, ички ва ташқи манбалардан маълумотларни таҳлил қилишнинг замонавий усулларини жорий этиб, мазкур солиқ тўловчи солиқ солинишидан бўйин товлайётганлиги хусусида хатарга асосли баҳр бериш ва ҳужжатли текширувларни ўтказиш учун

ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИ ҲАҚИДА

3-бетда субъектларни танлаб олишининг янги мезонларини ишлаб чиқиш мумкин.

Ҳисоботнинг электрон шаклини қабул қилиш тизими Ўзбекистонда бор-йўғи бир ярим йил аввал жорий қилинди, ҳолбуки хорижий мамлакатларда ушбу жараён ўртача 5-6 йил давом этади. Самарали камерал назорат ҳужжатли текширувлар сони ва тез-тез ўтказилишини камайтириш имконини беради деб умид қилинмоқда. Бу, албатта, давлатга ҳам, солиқ тўловчиларга ҳам катта фойда келтиради.

Статистика органлари ҳозир статистика ҳисоботларини электрон шаклда қабул қилишга тайёргарлик кўраётганликларини таъкидлашни хоҳлардим. Ваколатли органлар солиқ тўловчининг давлат солиқ органларидан олинган электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан статистика ҳисоботини топшириш учун фойдаланиши мумкинлиги масаласини кўриб чиқсалар яхши бўларди.

Шоҳида НУРИДДИНОВА, бухгалтер:

– Менимча, бухгалтерия ҳисоботи шакллари ДСИга айна электрон кўринишда топшириш учун гоёта қулайдир. Уларни қўлда тўлдириш жуда кўп вақтни олади, компьютерда эса буни жуда тез бажариш мумкин.

Раҳим УСМОНОВ, хусусий корхона директори:

– Бухгалтернинг психологиясини дарҳол ўзгартириб бўлмайди. У қозғоқ билан ишлашга ўрганган, электрон шаклга ҳозирча ишон-қирамай қараяпти. Солиқ тўловчиларни ҳисоботларни электрон шаклда топширишга ўтказиш – олға қўйилган улкан қадам. Бироқ бунинг учун ОАВда тушунтириш ишини юритиб, унинг афзалликларини кўргазмали қилиб кўрсатиш лозим.

Ўзимиз айбдормиз

Абдуғани МУҲАММАДБОЕВ, «ANTENN-PLYUS» хусусий корхонаси:

– Йиллик ва бошқа ҳисоботларни тақдим этиш билан боғлиқ муаммоларнинг кўпчилигини ўзимиз юзага келтирамиз деб ҳисоблайман. Биз, солиқ тўловчилар, амалдаги қонун ҳужжатлари тақдим этган ўз ҳуқуқларимизни дадиллик билан амалга оширадиган вақт келди. Мисол учун, бизнинг ДСИда инспекторлар бевосита йиллик ҳисоботни қабул қилиш чоғида унинг кўрсаткичларини маълумотлар базасига киритдилар. Фикримча, бундай тартиб иккала тарафнинг вақтини ўғирлаб, асабларини қақшатибгина қолмай, балки Солиқ кодекси 45-моддасининг қоидаларига зид ҳамдир, унда кўрсатилишича, «солиқ ҳисоботи дастлабки тарзда камерал назорат қилинмасдан ва унинг мазмуни муҳокама этилмасдан қабул қилинади».

Агар солиқ тўловчи, СКнинг 45-моддасига кўра, «почта орқали буюртма хат билан» ҳисоботни тақдим этиш ҳуқуқидан фойдаланганда, ушбу муаммолар бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Бироқ бугунги кунда кўп бухгалтерлар ва ДСИга ҳисоботлар топшириш учун масъул бўлган бошқа шахслар қонун берган имкониятлардан фойдаланмай, солиқчиларнинг электрон ҳисобот топширишга эҳтимол салбий муносабат билдиришларидан қочмоқдалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2008 йил учун йиллик ҳисоботни тақдим этиш ва қабул қилиш таомили умуман олганда аввалги йиллардан ижобий тарзда фарқланди. Шундай бўлса-да, уни топширишда баъзи бир ноқулайлик хануз мавжуд. Мисол учун, бизнинг ДСИда солиқ тўловчи бир дарчада ўз ҳисоботини рўйхатдан ўтказиши, бошқасида унга бюджетга тўловлар ва мажбурий ажратмалар бўйича қарзлар йўқлиги тўғрисида белги кўйдириши, учинчи дарчада корхонада даромад олган ўриндошлар бўйича маълумотлар тақдим этилганлиги тўғрисида белги кўйдириши керак эди ва ҳоказо. Бу ҳисобот топширувчилар учун ноқулай эди, бироқ уни қабул қилувчилар хусусида бундай деб бўлмаслиги аниқ.

Ҳисоботларни «телекоммуникация канал-

лари орқали электрон ҳужжат кўринишида» тақдим этишга келсак, бу – жуда қулай, энг асосийси – илғор қарор. Тўғри, ҳар қандай янгилик сингари ушбу тартибга ундан фойдаланиш чоғида баъзи бир тузатишлар киритиш, солиқ тўловчилар эса у билан ишлаш кўникмаларига эга бўлишлари керак бўлади.

ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИ ҲАҚИДА

ҲАҚИДА

– Бухгалтерлар ишини энгиллаштириш учун ҳисоботнинг ҳар бир шаклига уни тўлдириш бўйича йўриқномани илова қилиш жуда қулай бўларди. Ҳамкасблар эътиборини кредит уюмларини топширадиган ҳисоботлар муаммосига қаратмоқчиман. Уларнинг ҳисобварақлар режаси корхоналарнинг ҳисобварақлар режасидан фарқ қилади. Йиллик молиявий ҳисоботни топшираётганда баъзи бир солиқ инспекторлари шакллари корхоналарникидек тўлдиришни сўрашади, бироқ улар кредит уюмларининг ҳисобварақлар режасига мутлақо мувофиқ эмас, ушбу уюмлар ўз ҳисобот шакллари ўзР МБга тақдим этишлари керак. Барча солиқ инспекциялари уларни айна йиллик ҳисобот сифатида қабул қилишларини хоҳлардим.

Абдуғани МУҲАММАДБОЕВ, «ANTENN-PLYUS» хусусий корхонаси:

– «Норма маслаҳатчи»ни ҳисоботларни «телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат кўринишида» тақдим этиш тўғрисида жамоатчилик фикрини шакллантириш ишида «локоматив» ролда кўришни хоҳлардим. Назаримда, газета саҳифаларида бундай муаммоларни мунтазам ёритиш зарур, уларни муҳокама қилишда иштирок этиш солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий билимлари ва маданиятини оширишга имкон берарди.

Нина ТЮГАЙ, «Faizlik» ХУМШ:

– Эҳтимол, келгусида ҳамкасблар билан иш йўналиши бўйича, мен ХУМШни назарда тутяпман, учрашувлар ўтказиш мумкин бўлар. Кейинги мажлисни интизорлик билан кутаман, менга Клуб муҳити, ҳамкорлик руҳи жуда ёқди. Ҳамфикрлар доирасида бўлиш жуда ёқимли. Фаолият соҳасидан қатъи назар, масалалар ҳаммага тааллуқли бўлди.

Хусниддин ҲОШИМОВ, «Солиқ маслаҳатчилари палатаси» ЖТ бошқаруви раиси:

– «Norma Hamkor» компаниясининг раҳбариятига ноёб ахборот-ҳуқуқий тизимни яратганлиги ва уни доимо такомиллаштириб бораётганлиги учун миннатдорчилик билдирмоқчиман ҳамда Солиқ кодекси матнига солиқ ҳисоботининг тегишли шакллари (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2007 йил 29 декабрда 1760-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) гиперҳаволалар киритишни таклиф қилмоқчиман.

МУАММОЛАР БАНКИГА

Елена КРЕМЕНЦОВА, «PR Vostok project» МЧЖ:

– Клубда пенсия жамғармалари масаласини муҳокама қилишни таклиф қиламан. Шахсий ҳисобварағимда тўпланган сумма хусусида қизиққан эдим, менга буни пенсия дафтар-чамдаги ёзувларга қараб баҳолашларини айтишди. Тушунтиришларича, бир туман «Халқ банки» фуқаро ушбу туманда меҳнат қилган вақт ичида тўпланган жамғарилган сумманигина кўриши мумкин экан. Яна айтишларича, иш жойини ўзгартирганда жамғарилган суммадан маҳрум бўлмаслик учун албатта пенсия дафтарчасига ёзув қайд эттириш керак экан, акс ҳолда пенсияга чиқаётганда барибир «Халқ банки»нинг барча туман бўлинмалари бўйлаб югуришга тўғри келади. Шундай экан, бир марта бериладиган индивидуал рақамнинг нима кераги бор? Эҳтимол, ушбу мавзунинг Клубнинг яқин орадаги мажлисларида кўтариш керакдир? Фикримча, у жуда кўп кишилар учун қизиқarli бўлади. Зеро фақат бир жойда умр бўйи ишловчилар жуда оз.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари тўғрисида АХБОРОТ*

Т/р	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)
1.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси (Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Темур кўчаси, 112 «а»-уй)	№ 91-П 20.12.2004 й.	1. Сейтахов Ажипияз Полатович 2. Қўрниязова Гулора 3. Матқурбанов Рашид Жолдасбаевич 4. Каптуев Абдулгамид Магомедович 5. Сейтмуратов Мурат Баймуратович
2.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 122-уй)	№ 137 27.12.2004 й.	1. Абдуллаев Бахтияр Бахадирович 2. Каримов Равшанбек Шавкатович 3. Насиров Одилжон Хамидович 4. Сайдахматов Тоҳиржон 5. Тўнєев Всеволд Завенович 6. Ўринбоев Мусажон
3.	«Медиатор» хусусий консалтинг корхонаси (Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, 7 «а»-уй)	№ 190 12.03.2007 й.	1. Юлчиева Динара Ваҳобовна 2. Салимиджонов Баҳодир Равшанович 3. Атоев Азамат Ашурович 4. Пак Роза Даниловна 5. Хасанов Ўктам Насуллоевич
4.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси (Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1 «а»-уй)	№ 133 24.12.2004 й.	1. Марданов Исом Мардолович 2. Давлатов Хасан Сафарович 3. Азимов Яндаш Аҳмедович 4. Қандақоров Ориф Норович 5. Ходжиев Шуҳрат Маҳмудович 6. Акрамов Баҳодир Ўткирович
5.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 63-уй)	№ 56 13.12.2004 й.	1. Бобомуродов Умнат Эрмонович 2. Туронбоев Абдусалом Абдуллаевич 3. Жўраев Улғубек Худойбердиевич 4. Бегўтаев Анвар Эшпўлатович 5. Пармонов Юсуф Ўролович 6. Товбаев Абдувоҳид
6.	Қарши шаҳар «Холис қалқон» М.Ч.Ж. (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Кўрган кўчаси, 58-уй)	№ 1003 08.05.2007 г.	1. Таштемиров Халил 2. Бозоров Яшин Эгамбердиевич
7.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Комилон кўчаси, 27-уй)	№ 212 24.12.2004 й.	1. Холмирзаев Менглижон 2. Эсанов Мамараджаб 3. Каримов Сулон 4. Шеркулов Сувоп Холмуратович 5. Юсупов Эркин Холматович 6. Суванов Нормурат Тухлиевич 9. Тиллаев Холбозор Салминович 10. Ташатов Фирӯзжон Сулонович 11. Аширов Виктор Нуралиевич
8.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси (Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Меъморлар кўчаси, 33-уй)	№ 40п 15.12.2004 й.	1. Нарқобилова Гулшайим Ашимовна 2. Наримов Ибрагим 3. Бекмурзаев Аҳмад Рузикулович 4. Саваров Бафоқул Саидович 5. Жуманова Сайёра Эргашевна 6. Норбекова Наталья 7. Хамидов Улғубек Ахмадалиевич 8. Яқубов Абдухалиқ Саидович 9. Хамидова Нина Николаевна 10. Нарзуллаев Анваржон Умарович 11. Буранбаев Гулом Маҳаматович 12. Гулико Евгений Николаевич 13. Ибрагимов Хусайн Мирбафосович 14. Худайбердиев Баҳриддин Тангатович 15. Қахрамонов Алижон Қахрамонович
9.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси (Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо-Улғубек кўчаси, 148-уй)	№ 132 22.12.2004 й.	1. Мирқомиллов Миржомол 2. Саттаров Элмурод 3. Шуқуров Абдурахмон 4. Бобомуродов Талат Дўстмуродович 5. Мардонов Жаҳонгир Мардонович 6. Назаров Азамат Қобулович 7. Назаров Абдуназар Маннобович 8. Гусанова Тамара Дадашевна 9. Бердиқулов Маҳмуд Хасанович
10.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси (Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2 «а»-уй)	№ 21 20.12.2004 й.	1. Машарипов Адилбек Палванназарович 2. Аҳмедов Шуҳрат Болтаевич 3. Султанов Оразметбой Султанович 4. Бекметова Лариса Керимбаевна 5. Менглиев Азамат Бахтиярович 6. Матниязов Жамол Захирович 7. Каримова Роза Назаровна 8. Аллаберганов Рашид Болтаевич 9. Юсупов Жуманазар 10. Маматов Ишмурат
11.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси (Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4-даҳа, 68-уй)	№ 95п 13.01.2005 й.	1. Абилов Саитмурат Шеркулович 2. Абдулкасимов Шерзод Исамаҳамдович 3. Акбаров Улғубек Азатович 4. Ақромов Ботир Тоҳирбоевич 5. Аҳматов Давранбек Жураевич 6. Загидуллин Рустам Рафкатович 7. Закирова Наргиза Наримбаевна 8. Исаев Равшан Якубович 9. Қамбаров Равшан Абдурахманович 10. Муслимов Хасан Комилжоневич 11. Расулова Матлоба Раҳимовна 12. Расулов Сирожиддин Исомович 13. Расулов Азиз Муслимович 14. Шакиров Баҳриддин Бахтиёрович
12.	Тошкент шаҳар «Хуқуқий муаммоларни ўрганиш Маркази» (Тошкент шаҳри, Юнусobod тумани, А. Темур кўчаси, 60 «а»-уй)	№ 179 16.02.2001 й.	1. Асьянов Шамиль Мударисович 2. Азизов Ильхом Бахадирович 3. Аҳметшин Ринат Газизович 4. Аҳрамова Дильбар Гаптаровна 5. Гринцова Наталья Ивановна 6. Касимова Ақида Аҳраровна 7. Корсуи Галина Валентиновна 8. Лернер Семён Исакович 9. Ли Светлана Сергеевна 10. Праздников Альфия Тавкиевна 11. Тапикюлов Сабир Мирзаевич

*«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 16-сон.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»;
- «Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»;
- «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»;
- «Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштиришнинг, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

● ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ

- ЎзР МВ, ДСҚнинг «Аввал хусусийлаштирилган корхоналар – ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 15-сон, 189-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг маъмурий кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлаштириш учун инвесторларни танлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

ҳўжалик юритувчи субъектларни «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ҳўжалик фаолияти қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтказиш ва улар томонидан тадбиркорлик фаолияти амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Навоий вилояти ҳокимлиги «Давархитектқурилиш»

қўмитаси билан биргаликда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг бош режасида турар жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш учун «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига туташиб кетган 100 гектаргача майдондаги қўшимча ер участкасини назарда тутсин ҳамда ер участкаси зарур кадастр жиҳатдан расмийлаштирилган ва фойдаланиш ва бошқариш учун «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонасига берилган ҳолда белгиланган тартибда ажратилишини амалга оширсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 9 апрель
105-сон.

*1-илова «Норма маслаҳатчи»да берилмайди. Илованинг тўлиқ матни билан «Норма» АХТда танишиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 9 апрелдаги 105-сон қарорига
2-ИЛОВА

«НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИДА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ТАНЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ деб аталади) ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун жойлаштириш учун инвесторларни танлаш тартиби-

ни тартибга солади.

2. «Навоий» ЭИИЗда жойлаштириш учун инвесторларни танлаш бўйича ташкилий масалаларни ҳал этиш Маъмурий кенгашнинг ишчи органига ва «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига юкланади.

II. ИНВЕТОРЛАРНИ ТАНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ

3. «Навоий» ЭИИЗда жойлаштириш учун инвесторларни танлаш икки босқичда амалга оширилади.

4. Танлашнинг биринчи босқичида инвестор «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштиришга тўлдирилган инвестиция буюртманомасини (кейинги ўринларда инвестиция буюртманомаси деб аталади) тақдим этади. Инвестиция буюртманомасига қуйидагилар илова қилинади:

инвестор давлат рўйхатидан ўтказганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма;

таклиф этилаётган лойиҳанинг бизнес-режаси;

юридик шахснинг тегишли соҳадаги иш тажрибасининг тасдиқномаси, тегишли соҳада амалга оширилган шунга ўхшаш лойиҳалар тўғрисидаги маълумотлар;

юридик шахс мавжуд бўлган давр, бироқ камида охириги уч йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси;

инвесторнинг ваколатли шахслари имзолари намуналарини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Барча ҳужжатлар инвестор томонидан «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига давлат тилига ёки рус тилига ўгирилган таржима белгиланган тартибда илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

5. «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига тақдим этиладиган бизнес-режада қуйидаги асосий ҳолатлар акс эттирилиши керак:

ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотнинг номи, ҳажми ва тури;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мўлжалланаётган нархи ва сотиш бозорлари, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

таклиф этилаётган лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган инфратузилмавий ва муҳандислик иншоотлари;

ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш учун «Навоий» ЭИИЗ ҳудуди участкасининг мўлжалланаётган ўлчамлари;

хом ашё базаси мавжудлиги ҳамда лойиҳани амалга ошириш даврида хом ашё ва материаллар билан таъминлашнинг кафолатланган имкониятлари;

экологик талаблар ҳисобга олинган ҳолда мўлжалланаётган ишлаб чиқаришнинг технологияси тавсифи;

фойдаланиш мўлжалланаётган савдо маркаси тўғрисидаги маълумотлар;

иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китоби, шунингдек лойиҳани амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечими;

ишлаб чиқаришда фойдаланиш мўлжалланаётган технологик асбоб-ускуналарнинг хусусияти;

мўлжалланаётган капитал қўйилмалар миқдори, молиялаштириш манбалари ва қарз маблағлари жалб этилган тақдирда мўлжалланаётган гаров таъминоти;

ташкил этиладиган иш ўринлари сони.

6. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси 5 иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган талабларга мувофиқлигини кўриб чиқади.

Айрим ҳолларда танловда қатнашиш учун берилган инвестиция буюртманомасини кўриб чиқишда лойиҳа бўйича қўшимча маълумотлар/ҳужжатлар сўралиши мумкин. Бундай ҳолда тақдим этилган ҳужжатлар «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси томонидан қўшимча сўралган маълумотлар/ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан бошлаб 5 иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

7. Танловда қатнашиш учун берилган инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин, агар:

инвестиция буюртманомаси белгиланган талаблар бу-

зилган ҳолда берилган бўлса;

инвестор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда: ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар мавжуд бўлса;

инвестор таклиф этилаётган лойиҳани амалга ошириш учун зарур молиявий маблағларга ва техник воситаларга эга эканлиги ёки эга бўлишининг исботи мавжуд бўлма-са.

8. Иккинчи босқичда инвестор томонидан тақдим этилган инвестиция буюртманомалари, ҳужжатлар Дирекция директори томонидан имзоланган тегишли хулоса илова қилинган ҳолда «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси томонидан Маъмурий кенгашнинг ишчи органига берилади.

III. МАЪМУРИЙ КЕНГАШ ТОМОНИДАН ИНВЕСТИЦИЯ БУЮРТМАНОМАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

9. Ишчи орган «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси томонидан тақдим этилган инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Маъмурий кенгашга киритади.

10. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун инвесторни танлаш бўйича қарор қабул қилишда Маъмурий кенгаш:

инвесторнинг молиявий ва технологик қурбини;

лойиҳанинг умумий иқтисодий самарадорлиги ва уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини (ишлаб чиқариш қувватларини оқилона жойлаштириш, ташкил этиладиган иш ўринлари, тармоқдаги таркибий ўзгаришларга таъсири, ишлаб турган қувватлардан фойдаланиш, зарур хом ашё, материаллар ва инфратузилма мавжудлигини);

ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда тайёр маҳсулотни сотиш имконияти ва истиқболларини;

дастлабки 4 рақамдан бири даражасида бирламчи хом ашё билан таққослаганда ТИФ ТН коди бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси ва пировард маҳсулотнинг товар позицияси ўзгаришини;

технологик асбоб-ускуналар даражасининг замонавий сифат стандартларига (ИСО 9001 ва ИСО 14001) мувофиқлиги, лойиҳада халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизими мавжудлигини;

ташкил этилаётган корхона ходимлари штатини жалб этилган ходимлар умумий сонининг камида 80 фоизи миқдорда Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан бутлаш, уларга стажировкадан ўтиш ва малака ошириш имкониятини беришни;

тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмини;

Маъмурий кенгашнинг қарори билан белгиланадиган бошқа омилларни кўриб чиқади.

Инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқишда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни изчил технологик қайта ишлашда ўзаро ҳамкорлик қиладиган юридик шахслар ташкил этиш орқали «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини таъминлашни назарда тутадиган лойиҳаларга устунлик берилади.

11. Маъмурий кенгаш инвестиция буюртманомаларини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқади ва:

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш мумкинлиги;

аниқ ва асосланган мулоҳазалар ва камчиликларни кўрсатган ҳолда тақдим этилган ҳужжатлар пухта ишланиши зарурлиги;

ишлаб чиқаришни жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

12. Агар кўриб чиқиш жараёнида Маъмурий кенгаш томонидан инвестор ўзи тўғрисида нотўғри маълумотларни тақдим этганлигидан далолат берадиган ҳолатлар аниқланса, уни кўриб чиқиш тўхтатилади ва инвесторга асосланган хулоса юборилади.

13. Ушбу Низомнинг 11-банди учинчи хатбошига мувофиқ пухта ишланган инвестиция буюртманомалари кўриб чиқиш

учун такроран бевосита Маъмурий кенгашга киритилади.

14. Инвестиция буюртманомаси бўйича Маъмурий кенгашнинг ижобий қарори Маъмурий кенгаш мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади ҳамда «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси ва инвестор ўртасида «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида Инвестициялаш тўғрисида битим тузиш учун асос ҳисобланади.

15. Мажлис баённомаси нусхаси Маъмурий кенгашнинг қарори билан биргаликда Маъмурий кенгаш баённомаси тасдиқланган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида ишчи орган томонидан инвесторга ёки унинг ваколатли шахсига юборилади.

IV. ЖАВОБГАРЛИК

16. Инвестор тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончилиги, ўз мажбуриятларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида, тўлиқ ва зарур тарзда бажарилиши учун жавоб беради.

17. Маъмурий кенгаш аъзолари, ишчи орган ва «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси махфий маълумотлар ошкор қилинганлиги, инвестиция буюртманомалари ва унга илова қилинган материаллар ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ва сифатсиз кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 9 апрелдаги 105-сон қарорига
3-ИЛОВА

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ «НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИНГ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ СИФАТИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларни хўжалик фаолияти қатнашчилари (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси деб аталади) сифатида рўйхатга олиш тартиби ва муддатларини белгилайди.

2. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ деб аталади) қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш уч босқичда амалга оширилади:

I босқич — «Навоий» ЭИИЗ маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) томонидан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида жойлаштиришга инвесторларни танлаш;

II босқич — «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси билан «Навоий» ЭИИЗда жойлаштиришга танловдан ўтган инвестор ўртасида «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битимни (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисидаги битим деб аталади) келишиш ва тузиш;

III босқич — қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказиш, хўжалик юритувчи субъектларни «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритиш.

3. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун инвесторларни танлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Маъмурий кенгаш томонидан амалга оширилади.

II. ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ТЎҒРИСИДА БИТИМ ТУЗИШ ТАРТИБИ

4. Ўтказилган танлов натижалари бўйича «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун Маъмурий кенгашнинг ижобий қарорини олган инвесторлар инвестициялаш тўғрисидаги битимни келишиш ва тузиш учун «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига мурожаат қиладилар.

5. Инвестициялаш тўғрисидаги битим «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси ва инвестор (инвесторлар) ўртасида тузилади ҳамда:

инвестициялар объекти ва ҳажми, «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида амалга ошириладиган фаолият турлари;

инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатлари ва шартлари;

инвесторнинг қуйидагилар:

инвестициялаш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг кафолатланган даражаси ва маҳсулот сифати, ўзи ишлаб чиқарган товарларни ва ишлар (хизматларни) экспорт қилиш ҳажми, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат ҳақидаги қонунлар ва техника хавфсизлиги, мол-мулкни суғурта қилиш ва

жавобгарлик, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа жиҳатлари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

«Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш устидан техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

инвестор томонидан ўз мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

жойлашиш жойи ва ажратиладиган ер участкаси ўлчами;

инвестициялаш тўғрисидаги битим шартларига риоя қилинмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

инвестициялаш тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш тартиби;

инвестициялаш тўғрисидаги битимни тўхтатиш тартиби;

инвестициялаш тўғрисидаги битимдан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби ва кўриб чиқиш жойига доир кўрсатмаларни ўз ичига олиши керак.

Инвестициялаш тўғрисидаги битимда инвестиция лойиҳасининг ўзига хослигига қараб бошқа шартлар, шу жумладан қуйидаги шартлар бўлиши мумкин:

ишлаб чиқариш, муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича томонларнинг ўзаро мажбуриятлари;

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларидан бўлган ходимларни ёллаш ва ўқитиш бўйича инвесторнинг мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект ходимларини ўқитиш бўйича инвесторнинг мажбуриятлари.

6. Инвестициялаш тўғрисидаги битимни тайёрлаш учун инвестор «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

инвестициялаш тўғрисидаги битим лойиҳаси;

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун Маъмурий кенгашнинг ижобий қарори нусхаси;

лойиҳанинг бизнес-режаси нусхаси.

7. Инвестордан ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилмаган қўшимча маълумотларни талаб қилиш тақиқланади.

8. Инвесторлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончилиги ва ҳақиқийлиги учун жавоб берадилар.

9. Инвестициялаш тўғрисидаги битим лойиҳаси ва бошқа материаллар «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси томонидан улар олинган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида

кўриб чиқилади.

Зарурият бўлганда «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг айрим қоидалари бўйича ваколатли давлат органларининг хулосасини сўраши мумкин. Бунда инвестициялаш тўғрисидаги битим лойиҳасини кўриб чиқишнинг умумий муддати ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган муддатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

10. Зарурият бўлган тақдирда инвестициялаш тўғрисидаги битим қоидаларини келишиш мақсадида «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси билан инвестор (инвесторлар) ўртасида музокаралар ўтказилиши мумкин.

11. Инвестициялаш тўғрисидаги битим инвестициялаш тўғрисидаги битимда белгиланган муддатга ва «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси фаолият кўрсатишидан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади.

12. Инвестор билан «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси ўртасида инвестициялаш тўғрисидаги битим инвестор томонидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектга «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисининг гувоҳномаси берилган сандан бошлаб кучга киради.

13. Инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиши: инвестициялаш тўғрисидаги битим тузилган муддат тамом бўлгандан кейин;

шахс «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилган тақдирда;

«Навоий» ЭИИЗ муддатидан олдин тугатилган тақдирда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатилади.

III. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ «НАВОИЙ» ЭИИЗ ҚАТНАШЧИЛАРИ СИФАТИДА РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

14. Инвестор инвестициялаш тўғрисидаги битим имзоланган пайтдан бошлаб 10 иш куни мобайнида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда рўйхатдан ўтказувчи органга у томонидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

15. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун инвесторлар томонидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш инвесторнинг ихтиёрига кўра:

инвесторнинг ўзи томонидан;
шартнома асосида — «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси ёхуд бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

17. Давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилгандан кейин инвестор томонидан «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси реестрига киритишга ари-

за;

юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси сифатида Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган миқдорда рўйхатдан ўтказилганлик учун тўлов тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

18. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида икки иш куни мобайнида хўжалик юритувчи субъектни «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритади ва «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси гувоҳномасини беради.

19. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига тегишли ёзув киритилган кундан бошлаб бир кун муддатда ўз ҳудудида жойлашган давлат солиқ ва божхона хизмати органлари бўлинмаларига хўжалик юритувчи субъект «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги маълумотларни маълум қилади.

20. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси томонидан бериладиган «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси гувоҳномаси хўжалик юритувчи субъектлар «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади.

21. Таъсис ҳужжатларида қайд этилган «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисининг устав фонди қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда шакллантирилиши керак.

22. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ишлаб чиқариш дастурларини мустақил шакллантирадиган ва ўзлари ишлаб чиқарган ўзлари тўлиқ тасарруф қиладиган маҳсулотларни (ишлар, хизматларни) сотадиган, «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар, ишлар (хизматлар) бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

23. Хўжалик юритувчи субъектни «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум қилишга фақат «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси томонидан қонун ҳужжатлари ва инвестициялаш тўғрисидаги битим бузилган тақдирда «Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг аризаси бўйича йўл қўйилади ҳамда бу инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиши тўхтатилишига олиб келади.

«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси суднинг хўжалик юритувчи субъектни «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарори кучга кирган сандан бошлаб уч кун мобайнида «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига хўжалик юритувчи субъектлар «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритади.

24. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига тегишли ёзув киритилган кундан бошлаб бир кун муддатда ўз ҳудудида жойлашган давлат солиқ ва божхона органларига хўжалик юритувчи субъект «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги маълумотларни маълум қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҚАРЗДОР ВА УНИНГ ОИЛАСИНИНГ НОРМАЛ ТУРМУШ КЕЧИРИШИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН, ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИ БЎЙИЧА УНДИРУВ ҚАРАТИЛИШИ МУМКИН БЎЛМАГАН УЙ АНЖОМЛАРИ ВА ЖИҲОЗЛАРИ, КИЙИМЛАР ҲАМДА БОШҚА БУЮМЛАР РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 16-сон, 203-модда)

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 52-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхати (ке-

йинги ўринларда Рўйхат деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Рўйхатга киритилган ва гаров буюми ҳисобланган буюмларга ундирув, ушбу гаровдаги мулк билан таъминланган қарздорликни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича қаратилиши мумкин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2009 йил 14 апрель
110-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 14 апрелдаги 110-сон қарорига
ИЛОВА

**ҚАРЗДОР ВА УНИНГ ОИЛАСИНИНГ НОРМАЛ ТУРМУШ КЕЧИРИШИ
УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН, ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИ БЎЙИЧА УНДИРУВ ҚАРАТИЛИШИ МУМКИН
БЎЛМАГАН УЙ АНЖОМЛАРИ ВА ЖИҲОЗЛАРИ, КИЙИМЛАР ҲАМДА БОШҚА БУЮМЛАР
РЎЙХАТИ**

Қарздор — жисмоний шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки унинг умумий мулкдаги улуши бўлган мол-мулк ва буюмларнинг қуйидаги турларига:

1. Асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги ҳисобланган шахсларнинг:

а) ягона сигирига, сигири бўлмаганда — ягона ғунажинига, хўжаликларида сигир ҳам, ғунажин ҳам бўлмаганда, ягона эчкисига, қўйи ёки чўчкасига, шунингдек уй паррандасига (уй товуғи, ўрдак, ғоз, курка ва цесаркага);

б) қорамол учун янги ем-хашак йиғиб олинганга қадар ёки яйловга чиқарилганга қадар (агар қорамолга ундирув қаратилмаган бўлса) ем-хашакка;

в) навбатдаги экиш учун зарур бўлган уруғларга;

2. Қарздор ва унинг қарамоғидаги шахслар нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган қуйидаги уй анжомлари, жиҳозлар, кийимларга:

а) ҳар бир шахсга кийимлар: кузги ёки баҳорлик пальто ёки плаш, битта қишлоқ пальто (ёки чопон, пўстин), битта қишлоқ костюм (аёллар учун — иккита қишлоқ кўйлак), эркаклар учун битта ёзлик костюм ёки чопон (аёллар учун — иккита ёзлик кўйлак), ҳар бир мавсум учун биттадан бош кийими (бундан ташқари аёллар учун — иккита ёзлик рўмол ва битта иссиқ рўмол ёки шолрўмол), узоқ муддат фойдаланилган ва қийматга эга бўлмаган бошқа кийим-

кечаклар ва бош кийимларига;

б) фойдаланилган оёқ кийимлари, ички кийимлар, чойшаблар, ошхона ва емакхона жиҳозларига (қимматбаҳо металлдан тайёрланган, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган қадама нақшли буюмлар, шунингдек бадиий санъат қийматига эга бўлган буюмлардан ташқари);

в) ҳар бир шахс учун мебель — биттадан каравот ва стул ёки курси, оила учун битта стол, битта шкаф ва битта сандиққа;

г) болаларнинг барча жиҳозларига;

3. Ногирон шахсларда фойдаланишда бўлган ногиронларни реабилитация қилиш техник воситалари ва протез-ортопедия буюмларига;

4. Қарздорнинг асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги бўлса, янги ҳосилга қадар қарздор ва унинг оиласи учун зарур бўлган миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларига, бошқа ҳолларда эса — қарздор оиласининг ҳар бири учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида озиқ-овқатларга (пул маблағларига);

5. Қарздор ва унинг оиласи овқат тайёрлаши ва иситиш мавсуми мобайнида уй-жойини иситиши учун зарур бўлган ёқилғига ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин эмас.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**«НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ҲУДУДИДА АЛОҲИДА
БОЖХОНА РЕЖИМИ ҲАМДА АЛОҲИДА СОЛИҚ РЕЖИМИНИ ТАЪМИНЛАШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 17-сон, 215-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги алоҳида божхона режими тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудуди-

да алоҳида солиқ режими таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2009 йил 23 апрель
120-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 23 апрелдаги 120-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ҲУДУДИДАГИ
АЛОҲИДА БОЖХОНА РЕЖИМИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ деб аталади) ҳудудидаги алоҳида божхона режими қўлланиш тартибини белгилайди.

2. «Навоий» ЭИИЗ ҳудуди божхона назорати зонаси ҳисобланади. Божхона назорати божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона органлари томонидан амалга оширилади.

3. Ушбу Низомнинг амал қилиши фақат «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан амалга ошириладиган фаолиятга татбиқ этилади.

4. Ушбу Низом мақсадлари учун қонун ҳужжатларида фойдаланиладиган тушунчалар қўлланилади.

5. Ҳар қандай товарларни ҳам «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари деб аталади), ҳам «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган хўжалик юривчи субъектлар томонидан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудига олиб кириш ва «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидан олиб чиқиб кетиш давлат божхона хизмати органларининг (кейинги ўринларда божхона органлари деб аталади) рухсати билан амалга оширилади.

6. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудига олиб кириладиган экспорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар (кейинги ўринларда ишлаб чиқариш учун товарлар деб аталади), келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар, эркин божхона зонасининг божхона режимида расмийлаштирилади. Бунда:

ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун хорижий товарларга нисбатан божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмайди;

Ўзбекистон товарлари божхона экспорт режимига мувофиқ товарларни олиб чиқиб кетишга нисбатан қўлландиган шартларда жойлаштирилади.

7. Ишлаб чиқариш учун товарлар «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида у фаолият кўрсатадиган муддат мобайнида туриши мумкин.

8. Ишлаб чиқариш учун товарлар билан ҳар қандай операцияларни, агар бундай операциялар «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисидаги битим деб аталади) шартларига мувофиқ бўлса, амалга оширишга йўл қўйилади.

9. Ишлаб чиқариш учун товарлар ва улардан фойдаланган ҳолда «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобланмайдиган, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида эркин муомалада турган товарлар «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида эркин ҳаракат қилади ва унинг ҳудудидан эркин олиб чиқиб кетилади.

II. «Навоий» ЭИИЗ ҲУДУДИГА ОЛИБ КИРИЛАДИГАН ВА УШБУ ҲУДУДДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИ БОЖХОНАДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БОЖХОНАДА РАСМИЙЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

10. Хорижий товарлар ҳисобланадиган ишлаб чиқариш учун товарлар:

уларга нисбатан божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимдан ташқари) ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмасдан Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетиладиган тақдирда — қайта экспорт қилиш божхона режимида;

товарлар «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун, тўланиши керак бўлган барча божхона тўловларини тўлатган ҳолда, берилган (бегоналаштирилган) тақдирда — эркин муомалага чиқариш божхона режимига жойлаштирилиши мумкин.

11. Ўзбекистон товарлари ҳисобланадиган ишлаб чиқариш учун товарлар «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун берилганда (бегоналаштирилганда) белгиланган тартибда, божхона режимига ушбу режимда белгиланган шартларда жойлаштирилади.

12. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (кейинги ўринларда маҳсулотлар деб аталади) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетишда экспорт божхона режимига

жойлаштирилади.

Бунда экспорт статистикасида уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган Ўзбекистон товарлари ҳисобланадиган товарлар ҳисобга олинмайди.

13. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун бериладиган (бегоналаштириладиган) маҳсулот белгиланган тартибда, эркин муомалага чиқариш режимига жойлаштирилади. Бунда:

сотиладиган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хорижий товарларга (хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмларга) нисбатан божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) юкнинг божхона декларацияси қабул қилинган санада белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдоридан тўланади;

сотиладиган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилган Ўзбекистон товарларига (хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмларга) нисбатан ушбу товарлар эркин божхона зонаси божхона режимига жойланиши муносабати билан озод қилинган қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи тўланади.

Ушбу тўловлар, агар қонун ҳужжатларида янада имтиёзлироқ режим белгиланмаган бўлса, божхонада расмийлаштирилган санадан бошлаб 180 кун мобайнида тўланиши мумкин.

14. «Навоий» ЭИИЗнинг бир қатнашчиси ишлаб чиқариш учун ўз товарларини ва маҳсулотини «Навоий» ЭИИЗнинг бошқа қатнашчисига берган (бегоналаштирилган) тақдирда божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўланмайди, лекин бу ҳолда ушбу товарларни божхонада расмийлаштириш уларнинг янги эгаси — «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси учун амалга оширилади.

15. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида эркин божхона зонаси режимида турган ишлаб чиқариш учун товарлар эркин муомалага чиқариш режимига жойлаштирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг ёки хорижий давлатларга экспортнинг қолган қисми учун товарларнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб божхона тўловлари ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланади.

16. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқарилган товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мақсадлари учун товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлашнинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган қоидалари қўлланади.

17. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳар бир календарь йил бошлангунгача ўн беш кундан кечикмай ёзма шаклда божхона органига:

ишлаб чиқариш учун «Навоий» ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилиши мўлжалланаётган товарлар тўғрисидаги маълумотларни (товарнинг номи, миқдори, Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН бўйича коди, қиймати, келиб чиқиш мамлакати);

ишлаб чиқариш учун товарлар (хорижий товарлар ва Ўзбекистон товарлари) ҳамда маҳсулотлар билан амалга ошириладиган операциялар ва бундай операцияларни амалга ошириш натижасида олинмайдиган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги уларнинг сарфлаш нормалари тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетишга, «Навоий» ЭИИЗнинг бошқа қатнашчисига ёки «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси ҳисобланмайдиган шахсга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун бериш (бегоналаштириш) мўлжалланаётган маҳсулот тўғрисидаги (товарнинг номи, миқдори, Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН бўйича коди, хорижий товарлар ва Ўзбекистон товарларининг маҳсулот бирлигидаги таркиби, маҳсулот бирлигининг қиймати) маълумотларни маълум қилади.

18. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган маълумотларни ўзгартиришга ҳақлидир, у бу тўғрида божхона декларацияси берилгунгача 15 кундан кечикмай божхона органига ёзма равишда

хабар қилади.

19. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудига олиб кириладиган ишлаб чиқариш учун товарларнинг биринчи туркумига нисбатан «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган маълумотларни божхона декларацияси берилгунгача ўн беш кундан кечикмай маълум қилиши керак.

20. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси божхона органига тақдим этилгунгача ушбу Низомнинг 17 — 19-бандларида кўрсатилган маълумотларни «Навоий» ЭИИЗ бошқарув органлари билан товарлар тури, уларнинг миқдори ва улар билан амалга ошириладиган операцияларнинг инвестициялаш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқлигини келишиб олади.

21. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисининг аризасида кўрсатилмаган ишлаб чиқариш учун товарлар эркин божхона режимига жойлаштирилмайди.

22. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси аризасининг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотларга қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси томонидан белгиланади.

23. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ишлаб чиқариш учун олиб кириладиган, олиб чиқиб кетиладиган, сақланаётган, тайёрланаётган, қайта ишланаётган, сотиб олинган ва сотиладиган товарларнинг ҳамда «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида улардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарларнинг ҳисобини олиб боришлари ва ушбу товарларга доир маълумотларни божхона органларига тақдим этишлари шарт.

24. Ишлаб чиқариш учун товарлар бўйича ва «Навоий» ЭИИЗ доирасида улардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича содир бўлган ҳар қандай ўзгаришлар ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилади. Ҳисобга олиш ва ҳисобот шакли, шунингдек ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари белгиланган тартибда:

бухгалтерия ҳисоботи бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

статистик ҳисобот бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ва Давлат божхона кўмитаси томонидан белгиланади.

25. Эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштирилган товарлар, ушбу товарлар тижорат қимматини йўқотган тақдирда, божхона органи назорати остида йўқ қилиниши ёки «Навоий» ЭИИЗнинг бошқа қатнашчиси фойдасига бегоналаштирилиши мумкин, бу ҳолда йўқ қилиш ёки бегоналаштириш факти божхона органига тақдим этиладиган ҳисоботда акс эттирилади.

26. Товарларни божхонада баҳолаш учун Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини белгилашнинг умумий тартиби қўлланади, бунда қуйидаги хусусиятлар ҳисобга олинади:

олиб кириладиган товарларнинг битимдаги қийматини аниқлаш методи бўйича божхона қиймати аниқланган тақдирда битим қиймати, яъни уларни «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси ҳисобланадиган шахс томонидан «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси ҳисобланмайдиган шахсга сотишда товар учун амалда тўланган ёки тўланиши керак бўлган нарх божхона қиймати ҳисобланади;

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқарилган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш мақсадлари учун товарларнинг «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб чиқилиши ёки товарларни «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган шахслар фойдасига бегоналаштирилиши муносабати билан божхона томонидан божхона декларацияси қабул қилинган кун баҳоланаётган товарларнинг божхона чегарасидан ўтказилган санаси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига товарлар келтирилган жой «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидан олиб чиқилган жой сифатида ёки товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқмасдан, товарларни «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси ҳисобланмайдиган шахсга сотишда «Навоий» ЭИИЗ ҳудуди сифатида белгиланади.

III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

27. «Навоий» ЭИИЗнинг фаолият кўрсатиши тўхтатилган тақдирда унинг ҳудудида бўлган ишлаб чиқариш учун товарлар бошқа эркин зонага ўтказилади ёхуд «Навоий» ЭИИЗнинг фаолият кўрсатиши тўхтатилган вақтдан бошлаб икки ой мобайнида бошқа божхона режимига ўтказилади.

28. Ушбу Низомнинг 27-бандида назарда тутилган муддат мобайнида кўрсатиб ўтилган товарлар божхона мақсадлари учун вақтинчалик сақлаш учун божхона режимига турган товарлар ҳисобланади.

29. Шахс «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилган тақдирда, шу жумладан инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилганлиги муносабати билан қатнашчи мақомидан маҳрум этилганда қатнашчига тегишли бўлган ишлаб чиқариш учун товарлар «Навоий» ЭИИЗнинг бошқа қатнашчиси фойдасига бегоналаштирилади ёхуд «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига шахснинг «Навоий» ЭИИЗнинг қатнашчиси мақомидан маҳрум этилгани тўғрисидаги ёзув киритилган санадан бошлаб икки ой мобайнида бошқача божхона режимига ўтказилади.

30. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомини йўқотган шахс ўзининг мулки бўлган ишлаб чиқариш учун товарларни бегоналаштирмаганда ёхуд уларни бошқача божхона режимига жойлаштирмаганда ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган муддат ўтиб бўлгач божхона органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирлар кўради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 23 апрелдаги 120-сон қарорига
2-ИЛОВА

«НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ҲУДУДИДА АЛОҲИДА СОЛИҚ РЕЖИМИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ деб аталади) ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни қўлланиш тартибини белгилайди.

Алоҳида солиқ режимининг амал қилиши «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан фақат «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида амалга ошириладиган фаолиятга татбиқ этилади.

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларга солиқ солиш умумий белгиланган тартибда

амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармони-га мувофиқ «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ер солиғи, мол-мулк солиғи, юридик шахслардан олинган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

3. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган имтиёзлар тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми:

3 млн. евродан 10 млн. еврогача тенг (эквивалент) бўлганда — 7 йилга;

10 млн. евродан 30 млн. еврогача тенг (эквивалент) бўлганда — 10 йилга берилади. Кейинги 5 йил давомида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

30 млн. евродан ортиқча тенг (эквивалент) бўлганда — 15 йилга берилади. Кейинги 10 йил давомида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

«Тўғридан-тўғри инвестициялар» деганда мазкур Низом мақсадлари учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси кафолати тақдим этилмасдан амалга ошириладиган инвестициялар тушунилади.

II. СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАНИШ ТАРТИБИ

4. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларига ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган имтиёзлар тўғридан-тўғри инвестицияларнинг белгиланган ҳажмига:

а) ойнанинг 15-кунигача эришилганда — ойнанинг бошидан;

б) қолган бошқа ҳолларда — тўғридан-тўғри инвестицияларнинг белгиланган ҳажмига эришилган ойдан кейинги ойнанинг бошидан бошлаб татбиқ этилади.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати хўжалик юритувчи субъектлар «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритилган санадан бошлаб ҳисобланади.

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси томонидан тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажми имтиёз қўлланиладиган даражагача кўпайтирилганда имтиёзлар инвестициялар ҳажмига кўра имтиёзни қўлланиш ҳуқуқи юзага келган ойдан бошлаб қўлланади ҳамда имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугагунгача қолган даврда амал қилади.

5. Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажми олдинги берилган муддатдан ортиқ бўлган муддатдаги даражагача кўпайтирилганда имтиёзлар инвестицияларнинг олдинги ҳажмига кўра имтиёзни қўлланиш ҳуқуқи юзага келган ойдан бошлаб қўлланади ҳамда имтиёзнинг муддати илгари амалда бўлган имтиёз муддати амал қилиши ҳисобга олинган ҳолда узайтирилади.

III. СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАНИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган имтиёзлар «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан қўлланилиши учун солиқларни ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тўғридан-тўғри инвестициялар киритилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси гувоҳномасининг нусхаси;

б) киритилган инвестициялар ҳажми тўғрисида маълумотнома;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инвестициялар Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмасдан амалга оширилганлиги тўғрисидаги тасдиқнома. Тасдиқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Навоий» ЭИИЗ дирекциясидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига сўров тушган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида берилади.

7. Имтиёзли давр ошишига олиб келадиган инвестициялар ҳажми кўпайган тақдирда «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси тўғридан-тўғри инвестициялар кўшимча равишда киритилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида солиқларни ҳисобга олиш бўйича давлат солиқ хизмати органларига ушбу Низомнинг 6-банди «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

8. Давлат солиқ хизмати органлари тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан кейин 3 иш куни мобайнида «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисига татбиқ этилиши ёки татбиқ этилмаслиги тўғрисидаги аниқ асослашлар билан бирга ёзма хулосани юборади ҳамда имтиёзлар татбиқ этиладиган «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисини, қатнашчининг номини ва имтиёзли давр муддатини кўрсатган ҳолда, «Навоий» ЭИИЗнинг имтиёзларга эга бўлган қатнашчилари реестрига киритади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ хизматининг қўйи органлари маълумотлари асосида «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларининг йиғма реестрини юритади ва уни ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 апрелигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

IV. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ, МОЛИЯВИЙ ВА СОЛИҚ

ҲИСОБОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

10. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисининг танлови бўйича амалга оширилади.

11. Молиявий ҳисобот «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

12. Имтиёзлар берилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа доир ҳисобот «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилмайди.

13. Солиқ мажбуриятлари мавжуд бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа доир ҳисобот «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

14. Имтиёзларга эга бўлган «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш билан бир вақтда ушбу Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар.

15. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ белгиланади.

V. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

16. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари солиқ тўғрисидаги қонунлар бузилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

17. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган имтиёзлар тўғри қўлланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Солиқ даври

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчисининг тўлиқ номи _____

Маълумотномани тақдим этиш муддати

--	--	--	--	--	--

(кун, ой, йил)

га тақдим этилади

(солиқларни ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «НАВОИЙ
ВИЛОЯТИДА ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ТАШКИЛ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА» 2008 ЙИЛ 2 ДЕКАБРДАГИ ПФ-4059-СОН ФАРМОНИГА МУВОФИҚ
СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР СУММАСИ ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТНОМА**

Тўлов номи	(сўм) Имтиёз суммаси
ЖАМИ	
шу жумладан:	
ер солиғи	
мол-мулк солиғи	
юримдик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	
ягона солиқ тўлови	
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	
бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар	

Солиқ тўловчи томонидан тўлдирилади	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар:	Ушбу маълумотнома
СТИР	(кераклиси «V» белгиси билан белгилансин)
Ф.И.Ш.	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон тарзда
Имзо	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта орқали <input type="checkbox"/> электрон почта орқали
Бош бухгалтер:	<input type="checkbox"/> варақда тақдим этилган
СТИР	Тақдим этилган сана
Ф.И.Ш.	<input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
Имзо	(кун/ой/йил)
Сана	Ф.И.Ш.
<input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	имзо
(кун/ой/йил)	

М.Ў.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ (РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ)НИ АМАЛГА
ОШИРИШГА РУХСАТНОМАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ, ЛОЙИХАЛАРНИ
ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРДА БИР ЖОЙНИНГ ЎЗИДА КЕЛИШИШНИНГ
СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 18-сон, 225-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармони бажариш юзасидан, якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда келишиш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Дарвархитектқурилиш» қўмитаси ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, тегишли лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш функцияларини юклаш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

2. Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш,

лоийҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш бўйича:

уй-жой қуриш ва реконструкция қилишни бошлаш учун дастлабки рухсатнома (лоийҳа) ҳужжатларини тайёрлашни; турар жойни фойдаланишга қабул қилиб олишни;

кўчмас мулкка ҳуқуқларни Ўзбекистон Республикаси «Ер-геодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказишни;

якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)да амалга ошириладиган бошқа тартиботларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиш туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қурувчилар якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга ошириш учун рухсатномалар олишни, лойиҳаларни ваколатли органларда келишишни мустақил равишда ёки туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси орқали амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг намунавий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари инспекцияларни, қўшимча штат бирликларини жорий этиш ва юкланган функцияларни самарали бажариш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрган ҳолда, малакали кадрлар билан таъминлансинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан яқка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсинлар;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

7. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2 ой муддатда, жойига борган ҳолда республиканинг барча минтақаларида инспекциялар томонидан яқка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш бўйича хизматларнинг бутун комплексини кўрсатиш юзасидан инспекцияларга янгидан юкланадиган функцияларни кенг тадбиркорлар доирасига тушунтириш мақсадида семинарлар ташкил этсин.


8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2009 йил 30 апрель
127-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 30 апрелдаги 127-сон қарорига
ИЛОВА

ТУМАН ВА ШАҲАРЛАР ҲОКИМЛИКЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ИНСПЕКЦИЯСИНING НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

АВВАЛ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР — ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ ТЎЛОВЧИЛАРИНИ УМУМБЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШГА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1939.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 16-сон, 204-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ қарор қиламиз:

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
30-сон.

Давлат солиқ
қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2009-7-сон.

Тошкент ш., 2009 йил 10 март.

*2009 йил 24 апрелдан кучга киради.

**АВВАЛ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР — ЯГОНА СОЛИҚ
ТЎЛОВИ ТЎЛОВЧИЛАРИНИ УМУМБЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШГА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Вақтинчалик низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аввал хусусийлаштирилган корхоналар — давлат корхоналари негизда тузилган, хусусийлаштирилган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат ўтган корхоналар, инвесторлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари бажарилаётган корхоналардан ташқари;

объектив сабаблар — тарафларнинг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, ушбу тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бажарила олмайдиган ҳолатлар:

табиат ҳодисалари (зилзила, кўчкилар, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), бошқа табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (уруш ҳолати, қамал ҳолати, давлат манфаатларини кўзлаб импортни ҳамда экспортни тақиқлаш ва бошқалар) келтириб чиқарган муайян шароитлардаги фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни ва реализация қилишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори;

юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор;

юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор; суднинг қарорига асосан юридик шахснинг фаолиятини тугатиш, тўхтатиб туриш.

2. Ушбу Вақтинчалик низом амалга ошираётган фаолият туридан қатъи назар, ягона солиқ тўловчиси бўлган барча аввал хусусийлаштирилган корхоналар учун татбиқ этилади.

**II. АВВАЛ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРНИ
УМУМБЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШГА
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

3. Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми сўнгги икки чорақда объектив сабабларсиз, мол-мулк ва ер солиғининг ҳисобланган ўн карра миқдоридан кам бўлган суммани ташкил этган аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўловчилари солиқ органининг хабарномасига асосан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади.

4. Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўловчилари бўйича давлат солиқ инспекцияларининг балансларни ва солиқ ҳисоботини қабул қилиш бўлими ходимлари тақдим этиладиган солиқ тўловчиларнинг молиявий ва солиқ ҳисоботлари асосида реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмини мол-мулк ва ер солиғининг норматив белгиланган миқдори билан солиштирилади.

5. Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш ҳажми ягона солиқ тўлови бўйича солиқ ҳисоботи — Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби (02-варақ) (010-сатр «Жами» устуни) асосида аниқланади.

6. Мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдори ҳисоб-китоб маълумотларидан келиб чиқиб қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$N = (H1 + H2) \times 10$, бу ерда:

N — мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдори;

H1 — чорақ ҳисобида мол-мулк солиғи;

H2 — чорақ ҳисобида ер солиғи;

7. Мол-мулк солиғи ўтган солиқ даври учун бухгалтерия баланси (1-шакл) асосида аниқланади ва чорақ ҳисобда ҳисоблаб чиқарилади (4-устун 012-сатри + 4-устун 022-сатри) / 4 x мол-мулк солиғи ставкаси);

Ер солиғи ваколатли органнинг ер участкаларини ажратиб бериш тўғрисидаги маълумотлари асосида аниқланади ва чорақ ҳисобида ҳисоблаб чиқарилади (ер участкаси майдони x белгиланган ставкаси)/4);

Мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдори жорий солиқ даври учун шартли доимий катталиқ бўлиб ҳисобланади.

8. Ушбу Вақтинчалик низом татбиқ этиладиган ҳар бир аввал хусусийлаштирилган корхона бўйича давлат солиқ инспекцияларининг балансларни ва солиқ ҳисоботини қабул қилиш бўлими ходимлари ҳисоблаб чиқарилган мол-мулк ва ер солиғининг норматив белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда ушбу Вақтинчалик низомнинг 1-иловасига мувофиқ Маълумотномани тўлдирилади.

9. Давлат солиқ хизмати органлари маълумотномадаги маълумотлар асосида, объектив сабаблар бўлмаган тақдирда, агар икки кетма-кет келувчи чорақ давомида товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш ҳажми мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдоридан кам бўлса, аввал хусусийлаштирилган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади.

10. Давлат солиқ хизмати органи аввал хусусийлаштирилган корхонани уни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилиши тўғрисида ушбу Вақтинчалик низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклда, чорақлик ва йиллик ҳисоботни тақдим этиш учун белгиланган муддатидан кейин 5 кун ичида ёзма равишда хабардор қилади.

11. Аввал хусусийлаштирилган корхона давлат солиқ хизмати органининг хабарномаси олинган ҳисобот даври бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади. Бунда қўшилган қиймат солиғи тугаганидан сўнг корхона умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши лозим бўлган ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади.

12. Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилган аввал хусусийлаштирилган корхона ягона солиқ тўловини тўлашга фақатгина кетма-кет келувчи тўрт чорақ давомида товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилишнинг ҳақиқатдаги ҳажми мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдоридан юқори бўлган тақдирда ўтиши мумкин.

III. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13. Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилишнинг ҳажми мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдоридан кам бўлган тақдирда аввал хусусийлаштирилган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан ушбу Вақтинчалик низомда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

14. Давлат солиқ қўмитаси ҳар чорақда ягона солиқ тўлови ҳисоботини топширишдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилган корхоналар сони тўғрисида маълумот тақдим этади.

15. Ушбу Вақтинчалик низом 2011 йил 1 январгача амал қилади.

Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга
1-ИЛОВА

**СОЛИҚ ДАВРИ УЧУН УМУМБЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШГА ЎТКАЗИШНИ
БЕЛГИЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР БЎЙИЧА
МАЪЛУМОТНОМА**

Кўрсаткичлар	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1. Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш ҳажми				
2. Мол-мулк ва ер солигининг норматив белгиланган миқдори				

